

# Тошкент оқшоми

2019 йил 29 ноябрь, жума

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 187 (14.034)

Баҳоси эркин нархда


## Ўзбекистон – Туркманистон:

# КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 28 ноябрь куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Қардош ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти бир, тили ва урф-одатлари ўхшаш. Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликка асос бўлмоқда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида илк хорижий ташрифи 2017 йил 6-7 март кунлари Туркманистонга бўлган эди. Бу бежиз эмас. Мазкур ташриф Ўзбекистон ташқи сиёсатида яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратишининг ёрқин далилидир. Ўша музокараларнинг асосий натижаси ўлароқ, Ўзбекистон ва Туркманистон муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга – стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

2018 йил апрелда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди. Ўша йили август ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари мажлисида, жорий йил октябрда эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммитида иштирок этиш учун Туркманистонда бўлди.

Бундан ташқари, ҳукуматлар, вазирликлар даражасида ҳам кўплаб учрашувлар ўтказилмоқда.

Туркманистон Президентининг бу галги ташрифи давлат раҳбарлари дўстлигининг яна бир ифодаси, 29 ноябрь куни пойтахтимизда ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви олдидан самимий мулоқотдир.

Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга амалий ташрифи Кўксарой қароргоҳида давлат раҳбарларининг учрашуви билан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар ва уларни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги стратегик шериклик даражасига кўтарилган кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Музокаралар чоғида амалий ҳамкорлик масалаларига, жумладан, ўзаро савдони кенгайтириш, машинасозлик, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари Тошкентда ўтказиладиган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши хусусида якдил фикр билдирдилар.

Туркманистон минтақадаги асосий савдо шерикларимиздан бири. Ўзбекистондан Туркманистонга қишлоқ хўжалиги техникаси, мева-сабзавотлар, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, кимё ва тўқимачилик маҳсулотлари, турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Туркманистондан юртимизга нефть ва нефть маҳсулотлари, механик ускуналар, пропилен полимерлари, бошқа кимёвий товарлар келтирилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошмоқда. Жумладан, 2018 йилда 302 миллион доллардан ошган бўлса, 2019 йил январь-октябрь ойларида бу кўрсаткич 429 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистон – Туркманистон ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан яна бири транспорт соҳасидир. Икки мамлакатнинг автомобиль ва темир йўллари орқали ўзаро савдо юклари ташилмоқда, учинчи давлатлар учун ҳам транзит қилинмоқда. Хусусан, 2018 йилда темир йўл орқали халқаро юк ташиш ҳажми 23,7 фоиз ошган эди. Жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан яна 37 фоизга ўсди. Автомобиль орқали ташишда ҳам ижобий суръатларни кўриш мумкин. 2018 йилда бу борада 3,5 марта ошиш кузатилган эди. Жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 марта ўсди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон вакиллари икки мамлакатда ташкил этилаётган маданият кунлари тадбирлари, турли концертлар, фестиваллар ва танловлар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

2017 йил май ойида Тошкентда Махтумқули номидаги кўча ва унга бағишланган меъморий ёдгорлик очилган эди. 2018 йил апрель ойида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг мамлакатимизга ташрифи шарафига пойтахтимизда "Ашхобод" сайилгоҳи, Хоразм вилоятида "Ўзбек – туркман" дўстлик уйи ва "Улли ҳовли" мажмуаси очилгани халқларимиз дўстлиги, аҳиллиги ва маданий яқинлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Жорий йилда Самарқандда ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ва Қўқон шаҳрида ўтган Халқаро ҳунармандчилик фестивалида Туркманистон делегацияси муносиб иштирок этди.

Учрашувда ҳудудлар ўртасида, шунингдек, маданий-гуманитар соҳада фаол алоқаларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистон раҳбарининг китоблари – илмий асарлари кўргазмаси билан танишди.

Ушбу китоблар мамлакатимиз илмий-академик доиралари ва ижодий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотганини таъкидлаш лозим. Мазкур ташриф арафасида Гурбангули Бердимуҳамедовнинг қатор китоблари – "Бахтли ҳаёт соғлиқдан бошланар", "Маданият – халқнинг бебаҳо хазинаси", "Барҳаёт афсона", "Чой – шифо ва руҳий қувват манбаи" номли китоблари ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилган эди. Уларда муаллифнинг саломатлик, туркман халқи маданияти ва урф-одатлари, туркман гиламчилиги, чой ичиш анъаналари ҳақидаги фикрлари, иқтибослари жамланган, мавзуга оид фотосуратлар билан бойитилган.

Давлатимиз раҳбари Туркманистон Президентига мамлакатимизда чоп этилган Гурбангули Бердимуҳамедов китобларининг илк нусхаларини совға қилди.

Шундан сўнг Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовга Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фахрий академиги унвонини беришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз Фанлар академияси ушбу қарорни Туркманистон Президенти халқаро илмий доираларда кенг танилган ва эътироф этилган олим, замонавий тиббиёт, фармакология, иқтисодиёт, архитектура ва фаннинг бошқа соҳаларини ривожлантириш ҳамда Марказий Осиёнинг бой табиатини ўрганишга бағишланган қатор илмий қомусий асарлар муаллифи эканини инобатга олган ҳолда қабул қилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу қарор Туркманистон Президентининг илм-фан соҳаларини ривожлантириш, қардош ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги хизматларига улкан ҳурмат ифодаси эканини таъкидлади.

Туркманистон Президентининг аждодлар маънавий мероси ва фундаментал илмий изланишларга асосланган кўп сонли илмий асарлари бугунги фан, маданият ва санъат ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йиллар кўп асрлик алоқалар тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлгани ва бугунги кунда Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида тобора ривожланаётганини қайд этди. Бу ўзаро савдо ҳажмининг сезиларли ошгани, саноат кооперацияси ва ҳудудлараро ҳамкорлик кучайиб бораётгани, маданий-гуманитар алоқалар фаоллашганида намоён бўлмоқда.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, ўз навбатида, Президент Шавкат Мирзиёев ва Ўзбекистон Фанлар академиясига кўрсатилган юксак эътибор учун чуқур миннатдорлик билдирди, бу Туркманистонга ҳурмат-эҳтиром ифодаси, мамлакатнинг фан ва таълим соҳаларидаги ютуқлари эътирофи, халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкамлигидан далолат эканини таъкидлади.

Туркманистон раҳбари кўп асрлик тарихий-маданий алоқалар боғлаб турган мамлакатларимизнинг яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорлиги ўзаро манфаатларга ҳам, бутун минтақа фаровонлиги йўлидаги мақсадларга ҳам мос эканини қайд этди.

Гурбангули Бердимуҳамедов Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шерикликни мустаҳкамлаш, унга янги суръат бағишлашга қўшган шахсий ҳиссасини юксак баҳолади. Ўзбекистон раҳбари билан мунтазам ва самарали учрашувлар доимо дўстона ва ишонч руҳида ўтаётгани ва аниқ келишувларга эришишга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлараро конструктив сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш борасида қатъий эканини тасдиқлайди.

Тадбирда илм-фан ва маданият намояндалари, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган туркман миллати вакиллари сўзга чиқиб, Туркманистон Президентини юксак унвон билан табриклади.

Маросимда икки мамлакатнинг расмий делегациялари аъзолари, академик доиралари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

**ЎзА**

## САЙЛОВ – 2019

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номидан Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.**

*3-саҳифага қаранг*

# САММИТ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА

***Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ва Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун 28 ноябрь куни Тошкентга келди.***

Олий мартабали меҳмонларни Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Аввал хабар қилинганидек, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви бугун бўлиб ўтмоқда.

Учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Учрашув сўнггида якуний ҳужжат қабул қилиниши кутилмоқда.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*Қ А Р О Р И*

# "ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ"ЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Умумий ўрта таълим тизимида илғор халқаро тажриба ва жамиятнинг замонавий талабларига мувофиқ сифатли таълим олиш имкониятларини яратиш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга умумий ўрта таълим муассасаларининг мавжуд ҳолати уларнинг фаолиятидаги тизимли муаммолар ва камчиликларни тезкор бартараф этиш механизмларини яратиш, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий-техник таъминоти ва таълим бериш сифатидаги тафовутни қисқартириш ҳамда ўқувчи-ёшларнинг таълим олишлари учун тенг шарт-шароитлар яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Янги турдаги умумтаълим муассасаларини барпо этиш ва муқаддам қурилган биноларни босқичма-босқич замон талабларига мослаштириш, ўқув-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, таълим хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш орқали умумий ўрта таълимни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида:

*(Давоми 2-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси 2019 йил 30 ноябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

# МОСКВА ВА КВАНДЖУ ШАҲАРЛАРИДА ҚЎШИМЧА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ТУЗИЛДИ

***Халқаро матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Москва ва Кванджу шаҳарларидаги ваколатхоналарида қўшимча сайлов участкаларини тузиш ва уларни тегишли сайлов округларига бириктириш масаласи кўриб чиқилди.

Мажлисда Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Москва шаҳридаги ваколатхонасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 54-сайлов участкаси ва Кванджу шаҳридаги ваколатхонасида сайловни ўтказувчи 55-сайлов участкасини тузиш бўйича қарор қабул қилинди.

Москва шаҳрида тузилган 54-сайлов участкаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 145-Бодомзор сайлов округига, агентликнинг Кванджу шаҳрида тузилган 55-сайлов участкаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 146-Астробод сайлов округига бириктирилди.

Йиғилишда Корея Республикасида тузилган сайлов участкалари фаолиятини ташкил этиш ва Кореядаги ватандошларимизнинг сайловда овоз бериш ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виталий Фен видеоконференцалоқа орқали батафсил ахборот берди.

*(Давоми 2-бетда)*

## 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# ТАРАҚҚИЁТ ВА АДОЛАТ ҚОМУСИ

***Конституциямиз – халқнинг эркинлик сари босиб ўтган узоқ йўли, изланишлари инъикоси. Авваламбор, конституциявий бинони қуришда уч минг йиллик миллий давлатчилик тажрибасига таянилганини қайд этамиз.***

Бош қомусимизда бугунги кунгина эмас, балки халқимизнинг тарихий илдизлари, мустақил давлат ҳақидаги асрий орзулари мужассам.

Гарчи давлатчилигимиз тарихида бошқарувнинг асосий мақсадини ўзида акс эттирган қомусий ҳужжатлар мавжуд бўлган. Жумладан, "Темур тузуклари" конституциявий ҳужжат ҳисобланган. Бу асос шариат қонунлари ва Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдирига кучли таъсир ўтказган.

Конституция лотинча "Constitution" – тузилиш, тузук маъноларида келади. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, суд тизимини ҳамда давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

Бош қомусимиз яратилишига ҳаракат мамлакатимиз мустақилликка эришмасданоқ бошланган. Яъни, 1990 йил 21 июнда Олий Кенгаш қарори билан Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раислигида давлат арбоблари, депутатлар, мутахассислардан иборат 64 нафар аъзони ўзида жамлаган Конституциявий комиссия тузилиб, Конституция лойиҳаси ана шу комиссия томонидан икки йилдан ортиқ вақт мобайнида тайёрланди.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Шаҳардаги 15-умумтаълим мактабида ташкил этилган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов ўтказувчи Андижон шаҳридаги 21-Истиқлол сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари ҳамда сайловчилар иштирок этди. Унда сайлов жараёнлари, номзодларнинг тарғибот тадбирлари янги Сайлов кодекси асосида ўтказилаётганини таъкидланди.**

**● "Ҳайратон" чегара-божхона постида Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида ўқиш истагини билдирган бир гуруҳ қўшни давлат ёшлари тантанали кутиб олинди.**

**● Самарқанддаги "UzAuto Trailer" компанияси Россиянинг "КАМАЗ" ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда янги – КАМАЗ автомобиллари шассисини йиғиш линиясини расман ишга туширди. Янги линияни ташкил этиш маҳаллийлаштирилган аккумуляторли батареялар, ёқилғи-мойлаш материаллари, газ баллонлари ва маҳаллий ишлаб чиқаришга мансуб бошқа бутловчи қисмлардан фойдаланган ҳолда "КАМАЗ" шассисини ишлаб чиқаришнинг янада чуқурроқ технологик босқичига ўтиш имконини берди.**

**● Андижон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида шаҳар маҳаллаларида истиқомат қилаётган оилалар 51 нафар фарзандининг суннат тўйи ўтказиб берилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Оксфорд луғати муаллифлари "climate emergency" яъни "иқлим фавқулодда ҳолати" жумласини 2019 йил сўзи деб топди. Луғат муаллифларининг изоҳ беришича, ушбу сўз бирикмасининг маъноси иқлим ўзгаришларига қарши туриш, салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва атроф-муҳитга зарар етишини бартараф қилишни англатади. Шунингдек, жорий йилда иқлим ўзгариши муаммоларига бағишланган бошқа сўзлар ҳам луғат шорт-листига кирган. Иқлим ўзгаришига қарши кураш ҳаракатлари ("climate action"), иқлим инқирози ("climate crisis"), иқлим ўзгаришини инкор этиш ("climate denial"), фавқулодда экология хабари ("eco-anxiety", экоцид ("ecocide"), "йўқолиб кетиш" ("extinction") шулар жумласидан.**

**● АҚШнинг Калифорния штатида жойлашган Санта-Барбара шаҳри атрофида ўрмон ёнғинлари авжига чиқиши натижасида икки минг киши зудлик билан хавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳозир бу ерда ёнғинни жиловлаш ишларига 600 нафар ўт ўчирувчи ва 9 та вертолёт жалб этилган.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# “ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ”ЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тизимида умумий ўрта таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг илғор архитектура ечимлари ва энергия тежовчи технологиялар асосида барпо этиладиган ҳамда жиҳозланадиган, халқаро талаблар асосида сифатли таълим-тарбия бериш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган **“Замонавий мактаб”ларни ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2020 йил 1 мартга қадар:

а) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда хорижий тажриба ва мамлакатнинг табиий иқлим шароитларига мос, экологик тоза материаллар ва энергиянинг муқобил манбалари, энергия тежовчи ҳамда илғор технологиялар ва муҳандислик ечимларини қўллашни назарда тутувчи **“Замонавий мактаб”ларни қуриш ва реконструкция қилишнинг намунавий лойиҳаларини**;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларини замонавий мебель ва жиҳозлар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа ҳамда видеокузатув воситалари билан **жиҳозлашнинг янги меъёрларини;**

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда:

“Замонавий мактаблар”га қўйиладиган талабларни, шу жумладан, мазкур мактабларнинг дарсликлар, ўқув қўлланмалар, бадиий ва бошқа адабиётлар билан таъминланганлик даражасига, ўқув-тарбия жараёнига ҳамда дарсдан ташқари фаолиятига ҳамда раҳбар ва педагог кадрларига қўйиладиган талабларни;

умумий ўрта таълим муассасаларини “Замонавий мактаб”ларга қўйиладиган талаблар асосида баҳолаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги **“Инновация, технология ва стратегия маркази” давлат унитар корхонаси умумий ўрта таълим муассасаларини “Замонавий мактаблар”га қўйилган талаблар асосида баҳолаш бўйича масъул ташкилот ҳисобланади;**

“Замонавий мактаблар”га қўйиладиган талабларга мос келадиган умумий ўрта таълим муассасаларига **тегишли даражадаги мувофиқлик сертификати берилади;**

2020 йил 1 мартдан бошлаб давлат умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш, молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, **“Замонавий мактаб”ларни қуриш ва реконструкция қилишнинг намунавий лойиҳалари ва жиҳозлаш меъёрлари асосида амалга оширилади.**

4. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги **“Инновация, технология ва стратегия маркази” давлат унитар корхонасининг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:**

умумий ўрта таълим муассасаларини “Замонавий мактаб”га қўйилган талаблар асосида баҳолаш орқали уларга мувофиқлик сертификатини бериш;

умумий ўрта таълим муассасаларини баҳолаш жараёнига тегишли давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, етакчи хорижий консалтинг компанияларини жалб этиш;

замонавий ва шаффоф баҳолаш услубларини жорий этиш бўйича илғор тажрибани оммалаштириш;

“Замонавий мактаб” талаблари асосида баҳолаш бўйича умумий ўрта таълим муассасалари рейтингини аниқлашнинг электрон платформасини ишлаб чиқиш ва унинг юритилишини таъминлаш;

умумий ўрта таълим муассасаларини “Замонавий мактаб” талабларига мувофиқлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

5. Қуйидагилар:

**2020–2022 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини “Замонавий мактаб” талаблари асосида янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосий параметрлари** (кейинги ўринларда – асосий параметрлар) 1-иловага мувофиқ;

**2020–2022 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини “Замонавий мактаб” талаблари асосида қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг манзилли дастурлари** (кейинги ўринларда – манзилли дастурлар) 2а, 2б ва 2в-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

асосий параметрлар ва манзилли дастурларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5717-сон Фармонига мувофиқ инвестиция дастурлари доирасида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш **уларни тўлиқ жиҳозлаш билан биргаликда амалга оширилади.**

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шу жумладан, марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан:

а) янгидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ҳамда мукаммал таъмирланадиган умумий ўрта таълим муассасаларини **жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) юзасидан харидларни амалга ошириш бўйича буюртмачи этиб** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Ўқув таълим-таъминот” давлат унитар корхонаси;

б) умумий ўрта таълим муассасаларини **янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича буюртмачи этиб:**

Тошкент шаҳрида – **“Халқ таълими соҳасида лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси** (кейинги ўринларда – “Инжиниринг компанияси” ДУК);

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниялар** белгилансин.

7. “Инжиниринг компанияси” ДУК “Замонавий мактаб” талаблари асосида намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун буюртмачи этиб белгилансин ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишларини “Замонавий мактаб” талаблари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларига мос равишда сифатли бажарилганлиги устидан назорат олиб борсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниялари:

а) умумий ўрта таълим муассасалари учун:

лойиҳаларнинг “Инжиниринг компанияси” ДУК техник топшириғи асосида ишлаб чиқилиши ва келишилишини;

лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш бўйича “Инжиниринг компанияси” ДУК билан тўғридан-тўғри шартномалар тузилишини таъминласин;

б) “Инжиниринг компанияси” ДУКга умумий ўрта таълим муассасаларида амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларининг сифати юзасидан якуний назорат амалга оширилиши учун барча зарур ҳужжатларни тақдим этсин.

9. Белгилансинки, умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш жараёнида сифатсиз бажарилган, белгиланган техник талабларга мос келмаган ҳолда бажарилган ҳамда ортиқча ҳажмда кўрсатилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича ундирилган суммаларнинг **90 фоизи тегишли объектлардаги аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун бўйсунувига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг махсус шахсий ғазна ҳисоб варақларига, 10 фоизи эса “Инжиниринг компанияси” ДУКнинг махсус ҳисоб рақамига** ходимларни рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тадбирларига йўналтирилади.

10. Белгилаб қўйилсинки, 2020–2022 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини:

янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш – Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида марказлаштирилган инвестициялар маблағлари;

мебель, ўқув-лаборатория, спорт анжомлари ва ўқитишнинг техник воситалари билан таъминлаш – Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида марказлаштирилган инвестициялар маблағлари, халқаро молия институтларининг кредит ва грантлари;

компьютер техникаси ва ички локал тармоқ (тармоқ ускуналари) билан таъминлаш – халқаро молия институтларининг кредит ва грантлари;

замонавий иситиш тизими билан таъминлаш – Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг 2а, 2б ва 2в-иловаларида назарда тутилмаган умумий ўрта таълим муассасаларини “Замонавий мактаб” талаблари асосида комплекс ривожлантиришни амалиётга татбиқ этиш учун халқаро молия институтлари кредит ва грантларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3931-сон қарорининг 5-банди олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 26 ноябрь*

# МОСКВА ВА КВАНДЖУ ШАҲАРЛАРИДА ҚЎШИМЧА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ТУЗИЛДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Кореядаги сайлов участкалари сони бугунги кунгача биттани ташкил этиб, у Сеул шаҳрида жойлашган эди. Марказий сайлов комиссияси қарорига мувофиқ Кванджу шаҳрида ҳам сайлов участкаси очилгани Кореяда истиқомат қилаётган ватандошларимизнинг сайловларда иштирок этиш имкониятини янада кенгайтиради.

Элчининг сўзларига кўра, сайловчиларнинг сайловда ўзлари хоҳлаган номзодга эркин овоз беришини таъминлаш бўйича барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Сайлов участкаларида хавфсизлик чораларини кўриш бўйича тегишли ишлар қилинмоқда. Сайлов кодексига мувофиқ элчихона томонидан декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш истагини билдирган фуқароларнинг сайловчилар рўйхатини тузиш бошланган.

Ушбу муҳим сиёсий жараёнга оид маълумотлар билан танишиш истагида бўлган Ўзбекистоннинг Кореядаги фуқаролари эндиликда элчихонанинг расмий веб-сайтидан сайлов қонунчилигидаги янгиликлар, овоз бериш манзили ва куни, вақти ҳамда бошқа кўплаб ахборотларни олиши мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг “Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Корея Республикасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан меҳнат жамоалари, турли таълим даргоҳлари ҳамда ёшлар ўртасида қатор учрашувлар ўтказилди. Бундан ташқари, сайловчилар saylov.mfa.uz манзили орқали олдиндан электрон рўйхатдан ўтиши мумкин.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда 2,5 миллиондан зиёд фуқароларимиз хорижга чиқиб кетган. Хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлашга доир бир қатор ишлар қилинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳузурида 55 та сайлов участкаси ташкил этилди. Улар Тошкент шаҳрида тузилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 12 сайлов округига бириктирилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали хорижда яшаётган Ўзбекистон фуқароларини сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида электрон шаклда мурожаат қилиш имкони яратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида 22 декабрда бўладиган сайловларни самарали ташкил этиш бўйича Ҳаракатлар режаси тасдиқланди. Унга кўра, хориждаги сайлов участкаларининг сайловчилар рўйхатини шакллантириш, хориждаги участка сайлов комиссиялари томонидан муддатидан олдин кўчма сайлов қутисида овоз беришни ташкил этиш, сайлов куни амалга ошириладиган вазифалар ва овозларни санаш қоидалари батафсил ёритилган.

Хусусан, сайловчиларнинг бирламчи рўйхатини тузишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази хорижий давлатларга чиқиб кетган Ўзбекистон фуқаролари тўғрисидаги маълумотларни мамлакатлар кесимида шакллантиради ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига электрон шаклда тақдим этади.

Хориждаги участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг бирламчи рўйхати билан танишиш усуллари, жойи, вақти ва сайловчилар рўйхатида йўқ фуқароларни унга киритиш тартиби тўғрисида дипломатик ваколатхоналарнинг расмий веб-сайтлари орқали сайловчиларни хабардор этади.

Мажлисда қайд этилганидек, бу йилги сайловларда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган 57 давлатдан 250 нафарга яқин қисқа муддатли, 30 нафар узоқ муддатли, шунингдек, бошқа давлат ва халқаро ташкилотлардан 300 га яқин, жами 600 нафардан зиёд кузатувчи иштирок этиши кутилмоқда.

Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ МДҲ давлатлари миссиясидан 7 нафар ва ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссиясининг 42 нафар халқаро кузатувчиси аккредитациядан ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказиш масалалари давом этмоқда. 2019 йилнинг 26 ноябрь ҳолатига кўра, аккредитациядан ўтказилган маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари сони 233 тага етди. Худди шундай ваколатга эга бўлган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари сони эса 67 тани ташкил этмоқда.

Мажлисда, шунингдек, комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 87-Ангрен округ сайлов комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш масаласи кўриб чиқилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 87-Ангрен округ сайлов комиссияси раиси Фурқат Исроилов берган шахсий аризасига мувофиқ, ўз вазифасини бажаришдан озод қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг тавсиясига кўра ушбу округ сайлов комиссия раисининг ўринбосари Эсанали Карабаев комиссия раиси, Ангрен транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Абдуҳаким Маматалиев комиссия раисининг ўринбосари этиб тайинланди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ТАРАҚҚИЁТ ВА АДОЛАТ ҚОМУСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Илк лойиҳа матбуотда эълон қилинганида халқимиз томонидан олти мингдан зиёд таклиф билдирилган ва улардан ўринли фойдаланилган. Бош қомусимиз яралишида жаҳон тажрибасидан ҳам кенг фойдаланилганини таъкидлаш жоиз.

Конституциянинг ҳар бир моддаси миллионлаб фуқаролар тақдирига дахлдор. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шундай таъкидлади: “Мамлакатимиз босиб ўтган ғоят мураккаб ва шарафли йўл Бош қомусимизнинг ҳаётбахш кучи ва улкан салоҳиятидан далолат беради. Асосий қонунимиз негизида яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ва индустриал ривожланиш сари одимлашда беқиёс ўрин эгалламоқда”.

Бинобарин, Конституциямиз – халқимиз учун адолат қомусидир.

Конституциямизнинг қабул қилиниши ижтимоий ва давлат қурилишининг барча жабҳаларидаги муносабатларни, миллий қонунчилигимизнинг барча соҳаларини тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий механизмни ташкил этди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда Конституция нормаларига мувофиқ кодекслар, кўплаб қонунлар, қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди, шунингдек, кўп томонлама халқаро шартномалар ратификация бўлди.

Конституциямизга ривожланган давлатлар илғор тажрибасидан ҳамда мавжуд муаммоли ҳолатлардан келиб чиқиб бугунги кунга қадар бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилдики, бу давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Жумладан, 2019 йил 5 мартдаги Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуни билан Конституциямизга (79, 93 ва 98-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар Ҳукуматни шакллантириш тартибини янада демократлаштириш, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” принципининг босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг давлат бошқарувидаги ролини оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш мақсадига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, Бош қомусимиз жаҳонда амалдаги энг демократик қонунлардан бири бўлиб, давлатимиз ва жамиятимизнинг ривожланиши, демократик ислоҳотлар жадаллиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун барча шароитларни яратиб бермоқда.

**Миркомил БОЗОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими.**
**ЎзА**

**Ислоҳотлар оқимида**

# ТАШАББУСЛАР ТАДБИРКОРЛИККА, ТАДБИРКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЕТАКЛАЙДИ

***Иқтисодий барқарорлик тараққиёт кафолати бўлиб, бунда таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётнинг локомотиви саналган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юксак самара бериши кўп бор исботини топганлиги сир эмас. Юртимизда айнан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланишга эътибор қаратилмоқда.***

Президентимизнинг ташаббуслари билан Тошкент шаҳрида ва унинг туманларида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарининг ташкил этилиши муаммолар гирдобида қолган тадбиркорлар мушкулининг ечимини топаётганлигини кўрсатаётган бўлса, том маънода ишбилармонларнинг келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Яъни, жорий йилнинг июнь ва июль ойларида Тошкент шаҳрида ва ҳар бир туманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилиб, мазкур қабулхоналар томонидан 2019 йилнинг ўтган даврида тадбиркорларнинг ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган фуқароларнинг фаолиятдаги ер майдонлари ва бўш турган бинолар ажратиш, тегишли рухсатнома, лицензияларни расмийлаштириш, турли йўналишларда кредит маблағлари олиш, банк хизматларидан фойдаланиш, коммуникация тизимларига уланиш, солиқ ва божхона органларидаги муаммолар каби 1276 масалалари кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳри ва туманларидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарида тадбиркорлар фойдасини кўзлаб муайян ишлар амалга оширилмоқда, хусусан мазкур қабулхоналар иштирокида ўтказилган сайёр ёки шахсий қабулларда 827 та тадбиркорлик субъектлари ҳамда кичик оилавий бизнес вакиллари қабул қилинган бўлса, кўп йиллардан бери ечилмай келаётган туман даражасидаги муаммоларнинг ечимини топишда кўмаклашилди, шунингдек, қолган айримларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли тушунтиришлар берилди.

Бунга мисол тариқасида Бектемир туманида жойлашган “RC-cola” ва “Family” каби ичимлик сувларини ишлаб чиқарувчи “Family group” МЧЖ ҚК суд қарорига мувофиқ барча қарздорликларни тўлаган бўлишига ва бир неча бор огоҳлантиришларга қарамасдан Мажбурий ижро бюросининг Бектемир туман бўлими корхонанинг юк ташувчи автомашиналарига қўйилган тақиқларни белгиланган тартибда ечмаганлиги натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини савдо расталарига етказиб беришда ноқулайликлар вужудга келаётганлиги сабабли корхона ҳуқуқшуносининг Тошкент шаҳар Бош вазир қабулхонасига мурожаат қилиши натижасида Қабулхона тегишли ишчи гуруҳи билан биргаликда ушбу мурожаат юзасидан тегишли ижро ҳужжатларини ўрганишда корхона автомашиналарига қўйилган тақиқларнинг Мажбурий ижро бюроси томонидан белгиланган тартибда ечиб берилишига эришилди.

Шунингдек, ёш тадбиркорларимиздан бири давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан ташкил этилган “Ёшлар – келажагимиз” дастури доирасида ўз лойиҳаси билан муваффақиятли иштирок этган, ушбу лойиҳани амалга ошириш мақсадида ўз корхонасига хизмат кўрсатувчи тижорат банкига бир неча бор мурожаат қилишига ва тегишли ҳужжатларни тақдим этишига қарамасдан АТБ “Агробанк” томонидан кредит маблағлари ажратилмаганлиги сабабли ушбу лойиҳасини рўёбга чиқаришдан воз кечаётган вақтда мурожаат этилганда, Тошкент шаҳар Бош вазир қабулхонасининг кўмаги натижасида ўз лойиҳасини амалга ошириш учун ёш тадбиркорга 240,0 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб берилиши, боис жорий йилнинг октябрь ойида корхона ўз фаолиятини йўлга қўйиб, пойтахтимиз аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни бошлаб юборди ва корхонада янги яратилган 25 нафар иш ўринларига иқтидорли ёшларимиз жалб этилди.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратмоқчимиз, Чилонзор туманидаги Бош вазир қабулхонаси томонидан тадбиркорларинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, кези келганда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг яратилганлиги тадбиркорларга мадад бўлмоқда.

Хусусан, қабулхона томонидан суд, молия, банк, солиқ, кадастр, қурилиш бошқармалари, божхона органлари, давлат хизматлари агентлиги, нотариал идораларининг малакали мутахассислари иштирокида тадбиркорларнинг талабига мувофиқ ҳар ҳафтада ташкил этилган ўқув семинарларида бир неча ўндан ортиқ тадбиркорларга республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ва имтиёзлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари олдида юзага келаётган муаммолар бўйича тегишли тушунтиришлар берилди.

Бунинг натижасида, ўндан ортиқ тадбиркорларнинг солиқ тўловларини амалга ошириш, дебиторлик қарздорликларини ундиришда вужудга келиши мумкин бўлган низоли ҳолатларнинг олдини олишга эришилди.

Юртимиз бугун улкан қурилишлар майдонини эслатади. Бундай бунёдкорлик ишларини пойтахтимизнинг ҳар бир туманида кўришимиз мумкин. Тан олиш керакки, ушбу фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар ҳам бу жараёнда турли муаммоларга дуч келаётганлиги барчага сир эмас. Муаммонинг ечими сифатида қабулхоналарнинг ташкил этилишидек механизмнинг йўлга қўйилганлиги туманларнинг энг пастки қатламларида ҳам ўзининг самарасини бериб келмоқда.

Фикримизга яна бир мисол тариқасида чет эл инвестори Саид Фаяз Улхассан Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги турар жойини сотиб олиб, уни нотурарга ўтказиш ва ушбу ҳудудда шаҳримиз кўркига кўрк қўшувчи пойтахтимизга келувчи меҳмонлар учун барча қулайликларга эга замонавий меҳмонхона қуришдаги муаммолар бўйича Яккасарой туман Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси кўмагида ушбу инвесторнинг турар жойи тезкорлик билан нотурар жойга ўтказилди ва меҳмонхона қуриш лойиҳаси ваколатли давлат идораларининг мутахассислари томонидан кўриб чиқилди ҳамда мазкур ҳудудда меҳмонхона қуриш учун тегишли рухсатнома берилди.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳри ва туманларидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарининг фаолиятидан кўзланган асосий мақсад муаммолар гирдобида эмас, айнан иқтисодий фаровонликка эришган юрт корига ярайдиган тадбиркорлар сонини кенгайтириш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ташаббуслар ва тадбиркорлар юрти, бу ташаббуслар тадбиркорликка, тадбиркорлик эса тараққиёт сари етаклайди.

**Отабек ЯМИНОВ,**
**Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири**

**Билдириш**

Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши қарорига мувофиқ 1983 йилда туғилган, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси, Учтепа тумани Халқ таълими бўлимининг Болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳрида яшовчи Рахмонов Холназар Мусулмоновичнинг номзоди Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан қўйилганлиги ва 17-Ўриксзор сайлов округидан Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши депутатлигига рўйхатга олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

# ХАЛҚ БОЙ БЎЛСА, ДАВЛАТ ҲАМ БОЙ ВА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси юртимиздаги муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар сайловолди жараёнларида “Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!” шиори остида янгича ғоя, янгича қарашлар билан фаол иштирок этмоқда.***

***2003 йил 15 ноябрда партиянинг илк таъсис съезди ўтказилган бўлиб, ўтган ўн олти йил ичида ушбу партия уч карра парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловларда етакчи, уч марта партиядан кўрсатилган номзодлар Президент сайловларида ғолиб бўлди.***

***2016 йил декабрда Президент сайловида партиядан кўрсатилган Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини халқимиз якдиллик билан қўллаб-қувватлади.***

***Партия юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, барча соҳада қўлга киритилаётган ютуқ ва натижалар Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стартегиясида белгиланган амалий ишлар натижаси эканини эътироф этади.***

***Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги — миллий юксалиш, яъни мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори поғонага кўтариш босқичига дадил қадам қўймоқда. Барча соҳада модернизациялаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Давлатимиз, эл-юртимизнинг салоҳияти ва куч-қудратига таяниб, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, партия ўз олдига қўйган эзгу мақсадлар сари изчил қадам ташламоқда. Шундай халқчил, шиддатлиислоҳотлар даврида партия мамлакатимиз сиёсий майдонида мустаҳкам ўрин эгаллади.***

## Сарҳисоб

Бугунги кунда партия мураккаб вазифаларни зиммасига оладиган, мамлакатимиз ва халқимизнинг стратегик манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга қодир сиёсий куч сифатида ўзини кўрсатмоқда. Хусусан, **ўтган давр мобайнида партия дастурларида қўйилган мақсад ва вазифалар ижросига қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди.**

Иқтисодиётимизда барқарор юқори ўсиш суръатларига эришилмоқда, саноат, савдо, қурилиш соҳаларида ривожланиш жадаллашмоқда, ишлаб чиқаришга хорижий инвестициялар, замонавий техника ва технологиялар кенг жалб этилмоқда.

Партия дастуридаги давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича қатор долзарб вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Хусусий мулк ва тадбиркорлик учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда. Валюта бозори либераллаштирилди. Қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч нуқтасига айланган хусусий секторнинг янада жадал ривожланишига хизмат қилмоқда.

Партиянинг муҳим вазифаси — кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашда бу соҳа ҳиссасини янада ошириш учун қулай шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзи ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Бинобарин, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”.**

Ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши ортиб бормоқда. Кейинги йилларда яратилган қулай шароит, хусусий мулк манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик базаси тадбиркорларнинг эркин фаолият олиб бориши учун мустаҳкам замин яратди. Жаҳон банкининг “Doing Business — 2020” рейтингида Ўзбекистон 69-ўринни, “Бизнесни рўйхатдан ўтказиш” кўрсаткичи бўйича эса 190 та давлат орасида 8-ўринни эгаллагани ҳам бунга далолат.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор беріляпти. Биргина шу йилнинг ўзида **“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 7,2 трлн. сўмдан** ортиқ имтиёзли кредит ажратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **59,1 фоиз**га етди. Республикамизда иш билан таъминланган жами аҳолининг **78 фоизи** хусусий секторда банд.

Тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Бунинг учун барча иқтисодий ва ижтимоий дастурлар, инвестиция лойиҳалари, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар марказида ана шу каби муҳим вазифалар турибди.

Партиянинг хорижда ишлаётган ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ташаббуси давлатимиз раҳбари ва халқимиз томонидан қўллаб-қувватланди. Чет элда меҳнат қилаётган фуқароларимиз оилаларини арзон уй-жой билан таъминлаш, уларга субсидиялар ажратиш ва ҳимоялаш бўйича зарур шароитлар яратилмоқда.

Халқимизни ҳаётдан рози қилиш ва фаровон турмушини таъминлаш борасида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Yoshlar — kelajagimiz”, “Беш муҳим ташаббус” каби дастурлар амалга оширилмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида ислоҳотлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Янги шифохоналар, тиббиёт марказлари, оилавий ва хусусий клиникалар фаолияти йўлга қўйилмоқда, давлат-хусусий шериклик, хусусий секторнинг иштироки кенгайиб бориши рағбатлантирилмоқда.

Партия давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоя қилишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Албатта, ўз вақтида қабул қилинган кўплаб муҳим Фармон ва қарорлар, ҳукуматимизнинг қатъият ва ташаббускорлик билан иш олиб бораётгани ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Бу борада партия депутатлик корпусининг, айниқса, парламентдаги фракциясининг алоҳида ўрни бор. 2015 — 2019 йиллар давомида O‘zLiDeP фракцияси аъзоларининг ташаббуси билан **90 та** қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳлари фаоллиги ҳам ошгани сезилмоқда. Улар томонидан **11 057** маротаба эшитув ташкил этилган, **44 035** та депутатлик сўрови юборилган, **2 290** та назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилган, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларига 5000 га яқин таклифлар киритилган.

**O‘zLiDeP ўз ғоялари тарғиботига алоҳида эътибор қаратмоқда.** Бу борада **партиявий лойиҳалар** муҳим ўрин тутмоқда. Сайловлар оралиғида партиянинг “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” томонидан 30 дан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилди.

**200 дан зиёд ёш олимлар** иштирокида **“Ёш олимлар лигаси”, “Янги авлод кадрлари”** лойиҳалари орқали йигит-қизларимизнинг интеллектуал салоҳиятини намоён этишга кўмаклашилди.

**28 та** олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик ҳақидаги меморандум имзоланиб, унинг доирасида **22 321** талаба тўғрисида маълумот шакллантирилди, шундан **860 нафари** O‘zLiDeP таркибига қабул қилинди ва **697 нафари** партиянинг истиқболли кадрлар захирасига киритилди.

Аҳоли яшайдиган пунктларнинг **61 та**сида **“O‘zLiDeP кутубхонаси”** ташкил этилиб, кутубхоналар фонди **63 693 та** китоб билан бойитилди. **“Парламентда менинг ўрним”** мақсадли лойиҳаси орқали ёшларни парламент фаолияти билан яқиндан таништириш, янги қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёнига жалб этиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга эришилмоқда. Мазкур лойиҳада фаол иштирок этган **850 нафар** йигит-қиз партиянинг кадрлар захирасига киритилди.

Ёшларни фермерлик ҳаракатига фаол жалб қилишга кўмаклашиш мақсадида партия **“Ёш фермер”** республика кўрик-танловини ташкил этди. Бу кўрик-танловда **14 384 нафар** ёш фермер қатнашди. Ёшларнинг инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган **“Start up”** партиявий лойиҳасида ёшлар томонидан ишлаб чиқилган бир қатор инновацион ва истиқболли ғоялар қарийб **16 млрд. сўм** миқдоридаги кредитлар эвазига молиялаштирилди.

Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга қаратилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида йўлга қўйилган **“Бунёдкор аёллар”, “Соғлом оила — мустаҳкам оила”, “Фаровон оила”** каби лойиҳалар, айниқса, **“Ишбилармон аёл” кўрик-танлови** оммавийлиги билан ажралиб турди.

Ушбу лойиҳалар доирасида беш йиллик ҳисобот даврида **19 935 та** тадбир ташкил этилиб, уларда **1 млн. 255 мингдан** ортиқ хотин-қизлар қамраб олинган.

Қисқача айтганда, 2015 — 2019 йилларда бошланғич партия ташкилотлари ва партия аъзолари ўсиши, уларнинг сифат таркибини яхшилаш бўйича бир қатор ижобий ишлар рўёбга чиқарилди.

Шу давр мобайнида партия сафларини сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш устувор вазифа этиб белгиланди ва иш сон эмас, сифат тамойили асосида ташкил этилди. Аъзоларни партияга қабул қилиш, янги бошланғич партия ташкилотлари(БПТ)ни тузиш тартиби қайта кўриб чиқилди, партия сафларига аъзоликка қабул қилиш бўйича онлайн тизим яратилди.

2015 йили партиянинг **бошланғич ташкилотлари 9 329 та**ни ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, уларнинг сони **12 723 та**га етди. Бу даврда БПТларимиз **3 394 та**га ёки **36 фоиз**га кўпайган. Партия аъзолари сони **248 379 нафар**дан **754 820 нафар**га етди. Партия аъзоларининг сафи деярли **3 баробар** ортган.

Партия аъзоларининг сифат таркибида ўзгаришлар катта бўлди: хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари икки баробар кўпайган ҳолда **215 534 нафар**ни ташкил этмоқда. Партия аъзоларининг **387 515 нафари** ёки **51 фоизи** ёшлардан иборат бўлса, **312 631 нафари** ёки **42 фоизи**ни аёллар ташкил этади.

Қулайликлар яратиш мақсадида партия веб-сайтида онлайн аъзолик жорий этилди, **26 мингга яқин** партия аъзолари бу имкониятдан фойдаланди.

Партия бошланғич партия ташкилотларини кўпайтириб, участкаларни тўлиқ қамраш бўйича вазифаларни уддалади. Ҳозирги вақтда республика бўйича 10 137 та сайлов участкаси бўлса, партияда 12 723 та БПТ бор. Яъни тўлиқ қамраб олиш имконияти мавжуд. Бу эса Қонунчилик палатасига 150 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 831 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларига 5 738 нафар депутатликка партия номзодларининг сайловларда муносиб қатнашишини таъминлаш имконини беради.

## Сайловолди дастуридаги 5 та йўналиш бўйича устувор вазифалар

**O‘zLiDeP** Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясидаги кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттириш, эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришни ўзига асосий **дастуруламал этиб белгилаб олган.** Шунинг учун ушбу эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган **O‘zLiDeP IX съездида тасдиқланган** сайловолди дастуридаги **5 та йўналиш бўйича устувор вазифалар** қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

### БИРИНЧИ ЙЎНАЛИШ:

— истиқболда изчиллик билан **сайловларнинг пропорционал тизими**га ўтиш, **“Электрон парламент”** ва **“Электрон халқ депутатлари кенгаши”** концепцияларини ривожлантириш;

— бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, “Электрон ҳукумат” концепциясини изчил амалга ошириш;

— **“рақамли ва ахборот жамияти” шаклланиши шароитида давлат ва жамият бошқарувининг барқарорлиги**ни, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўртасида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

— давлат хизматига замонавий фикрлайдиган, янгича тафаккурга эга ёш авлод кадрларини жалб этиш, бошқарувнинг **инновацион, янада мослашувчан моделларини, шу жумладан, лойиҳа моделини** (Agile, Scrum, Kanban, PRINCE2 ва бошқа) ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

### ИККИНЧИ ЙЎНАЛИШ:

— судлар мустақиллигини амалда таъминлаш учун бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг **ортиқча ваколатларини оптималлаштириш;**

— жиноят қонунчилигини қайта кўриб чиқиш, халқаро амалиётни чуқур ўрганиб, **демократик ва либерал қонунчилик тамойилларига мувофиқ бўлмаган** миллий жиноят қонунчилигимизнинг санкцияларини инсонпарварлик тамойиллари асосида либераллаштиришни изчил давом эттириш;

— адвокатура соҳасига аралашувлардан бутунлай воз кечиш, адвокат мақомини олиш учун қўйилган стажировка муддати ҳақидаги талабни бутунлай бекор қилиш;

— нодавлат нотариатни кенг йўлга қўйиш, нотариатда квота деган эскича, ўзини оқламаган қараш ва тизимдан бутунлай қутулиш, нотариал ҳаракатларнинг масофадан туриб, интерактив — электрон хизмат кўринишидаги фаолият соҳасини кенгайтириш;

— олий юридик таълим даргоҳларини кўпайтириш.

### УЧИНЧИ ЙЎНАЛИШ:

— тадбиркорликка оид барча қонун ва қонуности ҳужжатларини тўлиқ инвентаризация қилиш ва унификациялаш ҳамда **Тадбиркорлик кодекси** лойиҳасини ишлаб чиқиш;

— Ўзбекистоннинг **“Бизнесни юритиш”,** глобал рақобатбардошлик, инновациялар, саноатнинг рақобатбардошлиги индекслари бўйича дунёнинг етакчи 50 мамлакати қаторидан ўрин эгаллашини таъминлаш, 2030 йилгача иқтисодиётда **саноат улушини икки баробар ошириш;**

— инвестиция фаолиятига оид 10 га яқин қонунларни унификациялаш, инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлашнинг соддалаштирилган тизимини жорий этган ҳолда ягона **Инвестиция кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш;**

— қишлоқ хўжалиги кластерларини, кўп тармоқли фермер хўжаликларини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ишлов бериш, транспортда ташиш ва сотиш (экспорт қилиш) бўйича кичик ишлаб чиқариш корхоналари (“қишлоқ хўжалиги хаблари”) тармоғини ривожлантириш ҳамда **“Кластерлар фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;**

— жаҳон **“Тўртинчи саноат инқилоби”** арафасида турган бир паллада Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатнинг инновацион тараққиётини жадаллаштириш, **“билимлар иқтисодиёти”** ва **“рақамли иқтисодиёт”**ни ривожлантириш;

— **“Ҳар бир оила — тадбиркор”** деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш, жамиятда фаол тадбиркорлик маданиятини шакллантириш, **“Тадбиркорлар академияси”**ни, соҳага қизиқаётган ёшлар учун эса консалтинг марказларини ташкил қилиш;

— **2020 — 2025 йилларда республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;**

— илмий-техник ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишни тезлаштириш ва инновацион маҳсулотларни халқаро бозорга чиқариш тизимининг барқарор занжирини яратиш ва ривожлантириш мақсадида **“Венчур тадбиркорлиги” ёки “Венчур молиялаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш** ва қабул қилиш;

### ТЎРТИНЧИ ЙЎНАЛИШ:

— аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш эвазига иш ўринларини яратишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

— ёшларга доир давлат сиёсатини оғишмасдан давом эттириш;

— ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсон бўлиб камол топиши учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш;

— **профессионал ва хусусий таълим**ни изчил ривожлантириш;

— соғлиқни сақлаш тизимини дунёдаги пешқадам марраларга олиб чиқиш, унинг инновацион ва инсон капиталини кўпайтириш, давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида **тиббиёт сифатини тубдан яхшилаш;**

— хусусий мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, профессионал хусусий таълимни янада ривожлантириш **“бутун умр давомида таълим олиш”** концепциясини жорий қилиш;

### БЕШИНЧИ ЙЎНАЛИШ:

— диний экстремизмга қарши кураш сиёсати, энг аввало, **“Жаҳолатга қарши маърифат”, “Маърифат ва таълим — тинчлик ва бунёдкорлик йўли”** тамойилларини ҳаётга изчил татбиқ қилиш асосида олиб борилишини қўллаб-қувватлаш;

— мамлакатимиздаги турли миллат ва элатлар, фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек асраш;

— юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқларини тенг кафолатлаб, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш;

— диёримизда 130 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари ўзаро ҳамжиҳат яшаши, мавжуд барча конфессияларга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритишига амалий ҳисса қўшиш;

— жамиятимиздаги ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш.

Сайловга саноқли кунлар қолди. Бу муҳим сиёсий жараёнда ғолиб бўлиш учун O‘zLiDeP ва унинг барча аъзосида етарли имконият, куч ва салоҳият бор. Шу кунларда ҳар бир юртдошимиз, айниқса, бўлажак сайловда биринчи марта қатнашиши кутилаётган 2,5 миллион йигит-қиз O‘zLiDeP партиясига жуда катта ишонч билан қараб турибди. Бу ишончни оқлашдан, юртдошларимиз учун янада қулай шароитлар яратиш, фаровон ҳаёт барпо этиш жараёнида фаол иштирок этишдан каттароқ бахт борми?!

---

*Ўзбекистондек жаннатмонанд юртда яшаш, халқимизнинг бахту саодатига шерик бўлиш, ҳеч шубҳа йўқки, ҳар бир партия аъзоси зиммасига жуда катта масъулият юклайди. O‘zLiDeP сайловолди платформаси учун*

***“Мақсадимиз ойдин ва унга эришишнинг аниқ йўлларини биламиз”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”*** *деган эзгу сўзларни шиор қилиб танлагани бежиз эмас.*

*Бугун O‘zLiDeP Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасида энг кўп аъзо ва тарафдорларига эга бўлган, фаровон ҳаётни таъминлашда етакчи роль ўйнайдиган* ***халқчил партияга айлана олди.*** *Шундай экан, бўлажак сайловларда партия* ***754 мингдан зиёд*** *аъзолари, асосий ғоя ва мақсадларига хайрихоҳ миллионлаб юртдошларига ишонади.*

**Улуғбек ИШАНХОДЖАЕВ,**
**ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши аппарати мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири,**
**Муроджон ЎРИНОВ,**
**ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби**

**Танловлар**

# ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР САРАЛАНДИ

***Хотин-қизларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, маънавий савиясини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан этиб белгиланган. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг жорий этилиши ҳам, юртимиз хотин-қизларининг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратилаётган кенг имкониятлар сирасига киради.***

Яқинда пойтахтимизда "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда жами 76 нафар иқтидорли ва истеъдодли қизларимиз ўзаро беллашдилар.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Нажмутдинова Зулфия номидаги Давлат мукофоти турли соҳаларда изланиш олиб бораётган қизларни саралаб, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилаётганини, етакчилик, изланувчанлик ва интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этишини, айни пайтда ушбу мукофот юртимизда хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги фаоллигига ҳурмат намунаси, иқтидорли қизларни улкан марраларни забт этишга чорловчи омилга айланганини дунё миқёсида ҳам эътироф этилаётганини таъкидлади.

Президентимиз ташаббуси билан мазкур танлов янгича мезонлар орқали ўтказилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлаётир.

Ўтган йилдан бошлаб Президентимиз фармони асосида ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга Зулфия номидаги Давлат мукофотини бериш бўйича янги тартиб жорий қилинди. Унга кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан қобилиятли қизга мазкур мукофот берилмоқда.

Пойтахтимиздан йигирмага яқин истеъдодли қизларимиз ушбу юксак мукофотнинг соҳибалари сифатида бугунги кунда шаҳримизда бўлиб ўтаётган ҳар бир сиёсий, ижтимоий, маънавий-маърифий тадбирларда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Тошкент шаҳри бўйича танловнинг илк саралаш босқичларида олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлардан жами 20 мингга яқин қизлар қатнашиб, улардан 850 нафари сентябрь-октябрь ойларида танловнинг туман босқичларида муваффақиятли иштирок этдилар.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти шаҳар комиссиясига тавсия этилган қизларнинг ишлари комиссия аъзолари томонидан тегишли Низом ва тавсиялар мезони талаблари асосида ўрганиб чиқилиб, сараланган 76 нафар қиз танловнинг шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танловда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган соҳаларида эришган ютуқлари, миллий, бадиий безак ва каштачилик бўйича ишлари, шунингдек, оҳанрабо қўшиқ, дилбар рақслари ва спорт ўйинларидан лавҳалар билан қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш этди. Маданият, санъат ва спорт соҳасида қатнашаётган қизларнинг ижодидан кўргазмалар ҳам ташкиллаштирилди.

Шуниси қувонарлики, ҳар бир иштирокчининг чиқиши ўзбек қизининг гўзал фазилатларини, қобилиятини очиб бериб, ўзига хос бир янгиликни кашф этгандай бўлди.

Танловнинг негизда нафақат қизлар орасидан иқтидорлиларни аниқлаб олиш, балки юртимиз қизларига бўлган ишонч, меҳру муҳаббат ва эҳтиром туйғулари ҳам мужассамдир.

– Ушбу танлов қизларимизни камолга етказиш, улар орасидан энг иқтидорлиларини танлаб олиш, адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида 1999 йилдан бери анъанавий равишда ўтказиб келинмоқда, – дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси котибият мудири Малика Расулова. – Бу мукофотга бутун дунё ҳавас билан қарайди. Жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида Зулфия мукофоти каби иқтидорли қизларга давлат ғамхўрлигининг тимсоли бўлган бундай мукофот қайд этилмаган.

– Мен шундай нуфузли танловда иштирок этаётганимдан жуда ҳам мамнунман, – дейди маданият йўналиши бўйича қатнашчи Глиэр номидаги ихтисослаштирилган мусиқали академик лицейнинг биринчи босқич ўқувчиси Жасмина Қаюмова. – Бу танлов ўзимга бўлган ишончни мустаҳкамлаб бериши билан бирга, ўз устимда янада изланиб, ўқиб, ўрганишим шарт эканлигини англашда ёрдам берди.

– Танлов Зулфияхоним сафдошлари изидан боришдаги шижоатимга куч ва рағбат бағишлади, – дейди Миробод туманидаги 158-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Рушона Исмаилова. – Таълим йўналишида бор билимимни намойиш этдим. Мен ҳам аёл жасорати, сабру қаноати ва вафо билан барчамизга ўрнак бўлган, маънавиятимиз ва маърифатимизга муносиб ҳисса қўшган шоирамизнинг издошлари сафидан жой олишга интиламан. Танловнинг Республика босқичига тавсия қилинишим эса ўзимга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади.

Иштирокчи қизларнинг фикрлари билан ўртоқлашар эканмиз, "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танлови уларнинг бу борадаги эзгу мақсадларига, буюк изланишларга, интилишларга, умидли чўққиларига қўйилган хайрли қадамлардан бири эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Зеро, бугунги қизларимиз эртанги нурафшон кунимизнинг яратувчилари, жамиятимизнинг доно, зукко, билимли ва истеъдодли вакиллари ҳисобланади.

Ҳар бир иштирокчи танлов шартларини миллий қадриятларимизга амал қилган ҳолда бажаришга ҳаракат қилди. Қизларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилар экан, уларнинг билим даражаси, кийиниш маданияти, ўз йўналишидаги истеъдоди ва зукколигига эътибор қаратилди.

Танлов сўнгида иштирокчи қизлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитасининг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**


**Реклама ва эълонлар**

**АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

"PRIME REALTY" МЧЖ ҳамда ТИФ "Ўзмиллийбанки" Тошкент вилояти бўлими билан ҳамкорликда 2019 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ТИФ "Ўзмиллийбанки" Тошкент вилояти бўлими Чирчиқ филиалига қарашли Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Бўстон кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси 93 000 000 сўм бўлган умумий фойдали майдони 120,10 кв, қурилиш ости майдони 76,40 кв.метрдан иборат "Дўкон биноси" ва 59.10 кв.метрдан иборат "Ертўла" қўйилмоқда. Мазкур мулк сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 13А-уйда, савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK"даги 20208000700765990001, МФО: 01041, СТИР: 304844964 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ҳар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел: (99) 858-01-12, e-mail: info@primerealty.uz, www.primerealty.uz.

**Лицензия рақами RR 0285**

**Реклама ва эълонлар**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги кафедраларнинг вакант (бўш) лавозимларига педагог-ходимлар учун**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

- **Архитектура тарихи ва назарияси:** катта ўқитувчи;
- **Архитектуравий лойиҳалаш:** катта ўқитувчи, ассистент;
- **Бино ва иншоотлар:** кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Геодезия ва кадастр:** профессор, катта ўқитувчи;
- **Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар:** кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи;
- **Жисмоний тарбия ва психология:** ассистент;
- **Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва фойдаланиш:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Интерьер ва ландшафт дизайни:** катта ўқитувчи, ассистент;
- **Информатика ва информацион технологиялар:** катта ўқитувчи;
- **Қурилиш конструкциялари:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси:** кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи;
- **Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги:** доцент, ассистент;
- **Қурилиш технологияси ва ташкилиёти:** кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Қурилишда менежмент:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Математика ва табиий фанлар:** катта ўқитувчи;
- **Муҳандислик графикаси ва компьютерда лойиҳалаш:** доцент, катта ўқитувчи;
- **Тасвирий санъат:** кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Ўзбек ва хорижий тиллар:** кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Фалсафа ва ижтимоий сиёсий фанлар:** профессор, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Шаҳар қурилиши ва хўжалиги:** кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси:** кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

- ректор номига ариза;
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- олий маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвони тўғрисидаги аттестат ва дипломлар (нусхалари билан);
- паспорт (нусхаси билан);
- илмий ишлар рўйхати (муассасанинг тегишли органи томонидан тасдиқланган);
- малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари билан);
- меҳнат дафтарчаси (нусхаси билан).

Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарорига мувофиқ, "Олий таълим муассасаларига педагог-ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари асосида ўтказилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй. Телефон: (+99871) 235-16-60.**

Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 12.02.2019 йилда № 685750-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "KARIMJON-OTA FAYZ SAVDO" ОКнинг таъсисчисининг 2019 йил 27 ноябрдаги 2-сонли баённомасига асосан ихтиёрий

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чуқурсой кўчаси, 9-уйда ёки +99899 853-04-44 рақами орқали қабул қилинади.


**"101"**

# "ТИЛСИЗ ЁВ"ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

***Ҳозирги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий бинолар, мактаб, мактабгача таълим, даволаш муассасалари, ўқув юртлари, уйлар ва иншоотлар қад кўтармоқда.***

Мана шундай шинам, чиройли масканлар борлигига шукроналар айтсанг арзийди, лекин биргина қилинган хато, яъни эътиборсизлик, табиий газ ва электр қувватидан нотўғри фойдаланиш, эҳтиётсизлик оқибатида кулфат келиб чиқмоқда.

Кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун фуқароларни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишларини сўраб қоламиз.

**Эрмахан СУЛЕЙМЕНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қарашли Архив ва Халқ қабулхонаси биноларини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сержант**

* * *

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтиришдан иборатдир.

Шундай экан, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб, ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини асрайлик.

**Алишер ЯКУБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор**

* * *

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири ёнғин офати бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзидан мудҳиш из қолдириши барчага маълум.

Айни шу "тилсиз ёв" ҳужуми сабабли йилига қанча-дан-қанча кишилар бошпанасиз қолади, кўпчилик эса саломатлигидан айрилади, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотади.

Ёнғинга сабаб бўлувчи ҳолатларда барча ҳамшаҳарларимизни эҳтиёткорликка чақириб қоламиз.

**Баҳодир КЕНЖАҚУЛОВ,**
**Мирзо Улуғбек тумани ЁХБ катта инспектори, майор**

* * *

Бугунги ўта шиддаткор замон ҳар соҳада, айниқса ёнғин хавфсизлиги борасида ҳар биримиздан ҳушёрлик ва огоҳликни талаб этади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда бир оз бўлса ҳам ҳушёрликни унутсак катта талафотларга сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғин бир лаҳзада кўп миқдордаги бойликнинг кулини кўкка совуради. Ундан ажралиб чиқадиган тутун ва бошқа заҳарли газлар атмосферани ифлослантириб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, ёнғин оқибатида инсонлар тан жароҳати олиши, ҳатто ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Бундай салбий оқибатлар барчамизни ёнғинга қарши курашишга, унинг олдини олишга ва албатта, хавфсизлик қоидаларига риоя этишга ундайди.

**Ойбек ЮСУПХОДЖАЕВ,**
**"Восток" ДИИЧБ ДУК ЁХБ катта инспектори, катта сержант**

* * *

Эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан ёнғин оқибатида уй ёки ишхона, у ерлардаги моддий бойликлар чин маънода ёниб, кулга айланиши ҳеч гапмас.

Энг ачинарлиси эса — ўт балоси сабабли инсонлар ҳаёти ҳам завол топиши мумкин. Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардик: уйда, ишхонада, жамоат жойларида ёнғин хавфини келтириб чиқариш мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик.

**Зокир БОЙМАТОВ,**
**Юнусобод тумани ЁХБ инспектори, катта сержант**

* * *

Ёнғинлар ва улардан кўриладиган зарарларни таҳлил этадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатларга бефарқлик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида юзага келаётганини кўрсатади.

Кундалик турмушимизда турли кўнгилсизликларнинг олдини олишда огоҳлик муҳим аҳамият касб этади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёнғин чиқмаслигининг асосий омили – огоҳликни кучайтиришимиз керак. Огоҳлик осойишта ҳаётимизнинг муҳим омили эканлигини унутмаслик лозим.

**Музаффар ҚЎЛДАШОВ,**
**Мирзо Улуғбек тумани ЁХБ катта инспектори, майор**

* * *

Юртимизни табиий бойликлари иқтисодий манбалари ва инсонлар ҳаёт хавфсизлигини сақлаш, шунингдек, тинчлигини барқарорлаштиришда Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг хизматлари беқиёс.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. Ҳа, "тилсиз ёв" бўлган олов фасл ёки вақт, жой танламайди. Кутилмаганда озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида рўй беради. Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкингиз, уй-жойингизни ёнғиндан асраган бўласиз.

**Жамшид ТУЛАБОЕВ,**
**25-ҲЁХҚ смена бошлиғи, капитан**

* * *

Ёнғин қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изини қолдиради. Корхона ва ташкилотларда содир бўлган ёнғинлар ходимларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиши билан бирга иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкилотлар, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзимасдек туюлган носозлик ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

**Ағзам ХУСАНОВ,**
**Миробод тумани ЁХБ инспектори, катта сержант**

* * *

Ёнғин тасодифий ёки ўз-ўзидан келиб чиқадиган кимёвий ҳолат эмас, балки у кимнингдир айби билан юзага келувчи бахтсиз ҳодиса.

Ана шу бахтсизликнинг олдини олиш эса ҳар бир кишининг ўз қўлида эканлигини фуқароларимиз унутмаслиги, яшаш ва иш жойларида ёнғин хавфсизлиги қоида талабларини сўзсиз бажаришлари зарур. Ана шунда ёнғин ҳодисаси келиб чиқмайди ва уларнинг олди олинган, фуқароларнинг осойишта турмуш тарзи таъминланган бўлади.

**Ислом РИХСИБОЕВ,**
**Бектемир тумани ЁХБ инспектори, катта сержант**


Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Дамариқ 1-тор кўчаси, 57а-уй учун, яъни Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳалла фуқаролар йиғини биносига 2012 йил 23 октябрда берилган реестр рақами № 5-263/2012 бўлган, № 10:05:02:01:02:0045 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Гулшан номидаги маданият ва истироҳат боғига тегишли бўлган думалоқ муҳри йўқолганлиги учун

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Сергели тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Сергели тумани, Дўстлик 2-мавзеси, 10-уй, 22-хонадон учун Рахманова Шарофат Абдуллаходжаевна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчаси, 8-уй орқасида жойлашган енгил турдаги савдо шохобчаси учун Саматов Комилжон Абдуганиевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Олмазор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Олмазор тумани, Шифокорлар шаҳарчаси, Г30-даҳаси 2а-уй, 20-хонадон учун Максудова Мухайё Бродаровна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт билим юрти томонидан 2003 йилда Турдематова Дилбар Абдуллаевна номига берилган Т № 112673 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 01.12.2017 йилда № 556784 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "IMPERIAL CONSULT" МЧЖ (СТИР 305157339) таъсисчининг 28.11.2019 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Юнусобод тумани, 6-мавзеси, Жумамасжид кўчаси, 2-уй манзилида қабул қилинади.
Телефон: (+99891) 133-03-32.

**"ZAMIN AVTO SPEKTOR" МЧЖ очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

"MAXIMUM CAPITAL CREDIT" МЧЖнинг 26.11.2019 йилдаги буюртманомасига асосан 2019 йил 29 декабрь куни соат 11:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига белгиланган тартибда ижрога қаратилган шартномалар асосида гаровга олинган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 156а-уйда сақланаётган 7 та ЛОТдан иборат 583 пробали қуйидаги тилла буюмлар қўйилмоқда: 10 грамм б/б-2 247 561 сўм; 3 грамм б/б-667 863 сўм; 33,5 грамм б/б-7 329 356 сўм; 33 грамм б/б-4 058 746 сўм; 5,5 грамм б/б-1 228 867 сўм; 2 грамм б/б-534 290 сўм; 4.8 грамм б/б-1 068 580 сўм. Ушбу мулклар 2019 йил 29 декабрь куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2020 йил 6, 13, 20 ва 27 январь кунлари ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "ZAMIN AVTO SPEKTOR" МЧЖнинг АТИБ "Ипотекабанк" Кўксарой филиалидаги ҳ/р: 20208000900724516001, МФО:00262, ИНН: 304619063 тўлашлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш ва аукцион савдоси ўтказилиш манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Махтумқул кўчаси, 1-уй. Телефон: (93) 304-43-95.

**Гувоҳнома 03029**


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **30 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан шамол секундига 3-8 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси – 3-5 даража совуқ, кундузи – 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **30 ноябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1146

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1353 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ